



БУЮК МАРИФАТПАРВАР АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ЧЎЛПОН

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Эшмуродов Бехруз Нормурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 214-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15152001>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025
Accepted: 18th March 2025
Published: 30th March 2025

KEYWORDS

Чўлпон, шоир, драматург, ёзувчи,
газета, журналист.

ABSTRACT

Мазкур мақолада XX асрнинг 20-30-йилларида ижод этган буюк ўзбек адиби Чўлпоннинг ҳаёт йўли ва шу билан бирга унинг юрт олдигаги хизматлари, ўша даврнинг машҳур инсонларининг у ҳақида билдирилган фиклари, ижод йўли ва ижодини абадийлаштириш йўлидаги саъй ҳаракатлар ёритилган.

Ўзбек шоири Чўлпонни ўқиганимда ўша чақмоқ шуъласини кўз олдимга келтираман. У нега ўзига “Чўлпон” деган тахаллус танлади экан, деб қайта-қайта ўзимга савол бераман. Ўзга тахаллус қўллаганида, балки уни қуршаб келаётган зулматдан омон қолармиди, деб ўйлаб қоламан. Эрта саҳар пайти кўкда пайдо бўладиган ёруғ юлдузни “Чўлпон” дейишади. Афсуски, унинг умри қисқа. Бор-йўғи икки-уч соатгина осмонда шуъла сочиб, тезда сўнади. “Чўлпон юлдуз ҳали чиқмаган эди” деганимизда, тун пардаси кўтарилмаган эрта саҳарни таърифлаймиз. Чўлпон шоирнинг умри ҳам ўша тонг юлдуздай қисқа бўлди. У ўзининг дастлабки шеърларини “Қаландар”, “Андижонлик” каби тахаллуслар остида эълон қилиб юриб, ниҳоят, мана шу “Чўлпон”га тўхталиб ижод қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Андижонда фаоллар билан бўлган учрашувда “Яна бир буюк юртдошимиз Абдулҳамид Чўлпонни олайлик. XX аср бошларидаги миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожияларини, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас. Эл-юрт тақдири учун куюниб, тиним билмай яшайдиган ана шундай ажойиб инсонларнинг давомчилари бугун ҳам Андижон заминиде кўплаб топилади” деб жуда тўғри айтган эди¹.

Малумки, ҳар бир даврнинг етук, забардаст, халқ ёзувчилари, шоирлари ва бошқа санъат фидойилари шаклланиши натижасида янги-янги ёзувчилар халқни марифатга, илм-урфонга етаклайдилар. Шулардан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳақида

¹ Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 486 б.

нафақат Ўзбекистонда балки Собиқ Иттифоқда ҳам илк бор ёзма маълумотларни берган Москвалик ёзувчи В. Ян (Янчевскийдир). У катта Совет энциклопедиясининг 61-жилдида элон қилинган мақоласида Ўзбек адибини 1897-йилда савдогар оиласида туғилган. Чўлпон оиласининг қистови билан мадрасага жойлашиб диний унвон олишга тайёргарлик кўргани ва ўша даврда инқилобий бўлган жадидлар харакати таъсирида Тошкентга бориб ўша ерда таълим олгани айтилади. Ушбу маълумотларни В.Ян бевосита Сулаймон ўғли Чўлпонниг ўзидан олган. Ва яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпонга берилган паспортида ҳам 1897-йилда туғилган деб қайд этилган. В.Яннинг Совет энциклопедияси учун тайёрлаган мақоласида ҳам ушбу сана Чўлпон туғилган санаси сифатида газета, журнал, дарсликларда қайд этилиб келинмоқда. Ўзининг 40 йиллик хаёт йўли мобайнида асрга татигулик асарлар ёзишга улгурди Чўлпоннинг туғилган санани 1897-йил эмас балки 1898 йилда туғилган десак мақсадга мувофиқ бўлади. Чўлпон 1898-йилда Андижоннинг Қатор терак махалласида савдогар оиласида туғилган. Таниқли журналист ва ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов ўзининг “Турмуш уринишлари” китобида қайд этишича, Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли асосан дехқончилик, хунармандчилик, баззозлик билан шуғулланган бўлиб у ўз даврининг етук фикрли кишиси бўлган. “Расво” тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган, девон ҳам яратган. Чўлпон аввал эски мактабда, сўнгра Андижон ва Тошкендаги обрўли мадрасаларда тахсил олган рус-тузем мактабларида тахсил олиб араб, форс ва рус тилларини мукамал билган, мутолаа йўли билан турк, немис ва инглиз тилларини ўрганган. Шарқ ва Ғарбнинг қарашларидан озиқланади. Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Умар Хайём, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Абдулла Тўқай каби буюк аждодларимиз ижодини меҳр билан ўрганади. Ўзихам 1913-1914 йиллар мобайнида “Мирзоқаландар”, “Қаландар” “Андижонлик” ва нихоят Чўлпон (“Тонг юлдузи”) тахаллуслари билан шерлар ёза бошлаган. Абдулхамид Сулаймон ўғлига Чўлпон тахаллусини истиқлолчи Мунаввар қори Абдурашидхонов берган. Чўлпон ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти равнақи йўлида ўзининг салмоқли хиссасини қўшди. Унинг шеърлари дастлаб “Туркистон, “Садойи Фарғона” каби маҳаллий рўзномаларда чиқди. Унинг шеърлари бир қанча хорижий газеталарида ҳам нашрдан чиққан. Булардан бири Оренбургда чиқадиған “Шўро” номли журналдир. Унинг “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Соз” номли китоблари 1922-1935 йиллар оралиғида нашрдан чиққан². Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Чўлпон кўп қиррали истеъдод соҳиби бўлиб у эхтиросли ва ёрқин асарлари билан ўзбек халқини миллий онгини уйғотишда, унинг янгича манавиятини шаклантиришда катта хизмат қилди. Унинг ёзган шеърлари ва китоблари ХХ асрнинг 20-йилларида болшевиклар олиб борган сиёсатга муҳолифатга ўтгани ва бу қарашларни шеърларида ошкора куйлагани туфайли уни милатчига чиқаргани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Уни қатағон қилиш учун “Бузилган ўлка” номли шеъридан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Чунки бу шеърда совет воқелиги мадҳ этилмаган эди. Бу шеърнинг том маънода ватанпарварлик руҳида суғорилганлиги ҳам мустамлакачилар юрагига ғулғула солган. Шеърда улуғ ўлка бошига тушган фожиалар адолатсизлик ва ҳақсизликларга қарши ёзилганлиги, ушбу шеър она юрт ва унинг эрки ва озодлиги йўлидаги курашига ундовчи шеърлиги учун ҳам бу шеър болшевикларга ёқмайди³. Чўлпон 1914-1915-йилларда 17-18 ёшида Андижонда мустабид Россия империяси зулмига қарши курашга қўшилган, унинг теварагида эса ўша даврдаги забардаст зиёлилардан бир қанчаси бўлган. Шулардан бири Назир Тўрақуловдир. Назир Тўрақулов Чўлпон ҳақида ўзининг хатида шундай ёзади:

² С.Мирвалиев. Ўзбекадиблари. Тошкент, “Фан”, 1993, 158 б.

³ Ҳ.Муртазаева Ўзбекистон тарихи Тошкент: “ЎАЖБНТ маркази”, 2003. 676б

“Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон менга алохида яқин дўст бўлдилар. Кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтлар 15 ёшлар атрофида бўлса керак. Менга тарих китобимни ўқиб илхомланганлиги ва фикрдош бўлишлик ҳақида хат ёзди. Андижонга уйларига меҳмонга таклиф қилди. Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик. Сулаймон ака билан хайрлашдик, укишининг менга берган совғаларини онамга обордим”.

Шоир Чўлпоннинг отасини андижонликлар “Сулаймон баззоз” дейишган. Бу мато ёки газлама сотувчи дегани. Болалик чоғларидаёқ бўлажак шоирга отасининг газлама дўкони торлик қилди. Буни сезган Сулаймон баззоз “Газлама сотишни истамаса, унда мулла бўла қолсин” деган ниятда боласини мадрасага ўқишга беради. Кейинчалик Чўлпон: “Мадрасада ўқиб юрган кезларимда бир турк билан танишдим. У Қуръонни бошдан-оёқ ёд биладиган ғоят саводхон киши эди. Кейин билсам, Истамбулдаги пантуркистлар уюшмаси томонидан у Шарқий Туркистонга умумтурк ғояларини тарғиб қилиш учун юборилган экан. Газета-журналларни мутолаа қилишни ўшандан ўргандим. Мадрасадаги сабоқлар бир чеккада қолиб кетди. Бир йўла адабиётга юз бурдим”, – деб ёзади жадидчилик йўлига қандай кирганини ҳикоя қилар экан.

Шундай қилиб, Сулаймон отанинг орзуси ушалмади. Баззоз бўлади, деган фарзанди “Зўр шоир бўламан” деди. Отанинг режалари бирма-бир чиппака чиқа бошлади. Қурбон ҳайитлари-ю, ифтор оқшомларида, лайлатулқадр тунлари, таробих намозларида Қуръони Каримни бошдан охиригача, охиридан бошигача ўқиб, муҳтарам жамоатни ҳайратга соладиган уламо бўлар деган ўғли қўлига тасбеҳ ўрнига ҳасса тутди, бошига салла ўрнига бежирим шляпа кийди. Андижондаги рус-тузем мактабида ўқиб юриб, жаҳон халқлари адабиётининг мумтоз асарлари билан танишди ва замонавий ўзбек таржима мактабига асос солди... У Туркистонда биринчи бўлиб Шекспирнинг “Гамлет”ини, Пушкиннинг “Дубровский”си, Гоголнинг “Ревизор”ини ва Рабиндранат Тагорнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган шоир эди. Бизнинг Мағжон каби Чўлпон ҳам ўзбек шеърятига янги оҳанг, янги услуб билан кириб келган эди.

Жадидчилик ҳаракати бошқа туркий халқларга қараганда ўзбекларга ғоят қийинчиликлар билан сингди. Бу табиий ҳол эди. Асрлар бўйи шаклланиб келган удумлардан халос бўлиш осон кечмайди. Ўтроқ халқ ҳар қандай янгиликни эҳтиёткорлик билан қабул қилади. Шунда ҳам қабул қилса...

Чўлпон ўз асарлари билан халқига яқин бўлишни истади. Ўз халқи учун тушунарли, ҳаммага бирдай маъқул бўладиган тилда шеърлар ёзгиси келди. Соф ўзбек шоири бўлишга, соф ўзбек тилида ёзишга жазм қилди. У ижод учун маънавий қувватни ташқаридан эмас, ичдан, ўзбек халқининг ўзидан излади. Лекин, ўз қобиғига ўралиб қолмасдан, ўзга халқларнинг шеърятини ҳам қунт билан ўрганди. “Кеча ва кундуз” романининг қаҳрамони “Оренбургда, Қозонда, Уфада, Бокуда, Астраханда, айниқса, Москвада қандай ажойиб газеталар чоп этилади. Боғчасаройга беш сўм жўнатсанг, бир йилгача уйингга “Таржимон” келиб туради”,– дейди. Демак, у ёшлигиданоқ тинимсиз ўқиб-изланган, ўз устида ишлаган. Бу бир. Иккинчидан, у мумтоз шоирларнинг лирик қаҳрамонлари янги давр учун мос келмаётганини, миллий шеърга янги замон руҳини сингдириш лозимлигини англаб етди. Ўша қизил гул билан май, Боғи Эрам билан ҳур қизлар, булбул билан фаришталардан ҳам бошқа ўхшатиш ва мавзулар борлигини, у мавзуларни ривожлантиришга ўзбек тилининг қудрати етишини исботлашга интилди. Ва буни исботлади ҳам. Уни бахтли шоир дейишимизнинг сабаби ҳам шунда.

“Замонавий ўзбек адабиётини икки буюк дарёга – Сир ва Амуга ўхшатиш мумкин. Бошқачароқ қилиб айтсак, Сир деганда – Чўлпонни, Аму деганда—Абдулла Қодирийни билмоқ керак” деган таърифга тўлиқ қўшилишимиз ҳам шундан.

Ҳар йили баҳор янгича келгани каби, ҳар бир шоир ҳам адабиётга янгилик бўлиб киради. Ўтган асрнинг боши адабиёт учун ижодий изланишлар ва ижодий кашфиётларга бой бўлди. Бу даврга келиб, миллатнинг илғор ижодкорларида туркий оламнинг миллий қадриятларига фарзандлик нигоҳи билан қараш шакллана борди. Шунинг учун ҳам шоир Чўлпон ўзининг “Адабиёт надур?” номли мақоласида “Адабиёт яшаса, миллат яшар: адабиёти гулламаган ва адабиётининг тараққийсига интилмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охир бир кун ҳиссиётдан, ўйидан, фикридан маҳрум бўлиб, секин-аста инқироз бўлур, буни инкор қилиб бўлмас” деса, озарбайжон Муҳаммад Ҳоди “Озодликсиз умр — тул” деб таъкидлайди. Татар шоири Абдулла Тўқай ўз тили тўғрисида “Эй, туққан тил, эй матур тил, отам, онаминг тили, дунёда кўп нарса билдим сен туққан тил орқали”,– деб хитоб қилган. Султонмуҳаммад оғанинг “Зимистон қозоқ осмонига чиқиб кун бўлай”,– дейдиган кезлари эди ўша дамлар.

Чўлпон, том маънода, миллий туйғуларни акс эттирган шоир бўлиб етишди. Ижодидаги айнан ана шу миллий туйғу кейинчалик унинг бошига етди. Лекин бу шоир учун шарафли ўлим эди, деймиз. Миллат учун жон фидо қилганлар шаҳид бўлади, дейишади аждодлар. Ишонгимиз келади. Миллат учун шаҳид кетган улуғ шоир Чўлпоннинг руҳи шод бўлиб, у дунёда жаннатда юрганига ишонгимиз келади

Чўлпон ҳақида ўша даврнинг етук ва забардаст журналисти ва мураббийси Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам 1916 йилда Чўлпон билан илк бор учрашгани хусусида шундай ёзган “Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир еди. Татаристон, Озарбайжон, Хиндистонда, чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ўқиб ҳам турарди⁴. Чўлпон ҳам бошқа зиёли ва тараққийпарвар аждодларимиз сингари қатағон даври қурбони бўлган. У 1937 йили 14 июлда қамоққа олиниб 1938-йил 4-октябрда отиб ташланган. Чўлпоннинг асарлари узоқ вақтли танаффусдан сўнг 1991 йилда “Яна олдим созимни” номи билан нашр этилади. 1991 йил 25 сентябрда эса Чўлпонга Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти берилди. 1997 йилда адибнинг 100 йиллиги муносабати билан унинг кўплаб асарлари янгидан нашр қилинди. У ҳақида илмий тадқиқотлар яратилди. Чўлпон миллий озодлик йўлидаги матонати ва буюк хизматлари, ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун 1999 йилда “Мустақилик ордени” билан тақдирланган.

Хулоса қилиб айтганда Чўлпон XX асрнинг бошларидаги миллатимиз тақдирини фожиаларини унинг бошига тушган озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким юксак пардаларда куйлаган эмас ўзининг қисқа, лекин мазмунлик 39 йиллик умри мобайнида жуда кўплаб асарлар, шеърлар ва китобар ёзган, кўплаб шеърларни ўзбек тилига таржима қилган. Ўз умрини халқимиз озодлиги, тараққиёти йўлига баҳшида қилган буюк жадид аждодимиз ҳақида илмий тадқиқотлар олиб боришимиз, унинг номи ва асарларини абадийлаштиришимиз керак. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон аждодларига маънавий жиҳатидан бойитадиган улкан бебаҳо асарлар қолдирган. Ушбу қолдирган маънавий мероси ўзбек ҳалқини ватанпарварликка, она ватанини севишга уни ардоқлашга чорлайди.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамакчилиги даврида. Тошкент, “Шарқ”, 2000, 464 б

References:

1. Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 486 б.
2. С. Мирвалиев. Ўзбекадиблари. Тошкент, “Фан”, 1993, 158 б.
3. Ҳ. Муртазаева Ўзбекистон тарихи Тошкент: “ЎАЖБНТ маркази”, 2003. 676б.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси муштамлақчилиги даврида. Тошкент, “Шарқ”, 2000, 464 б

